

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитасининг**  
**2019 йил 28 июндаги 34 -сон қарорига**  
**ИЛОВА**

**Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини**  
**шакллантириш бўйича услубий низом**

Ушбу услубий низом инвестиция фаолияти кўрсаткичларининг статистик ҳисобини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, номолиявий активларга инвестициялар ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилаб беради.

Услубий низомни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Миллий ҳисоблар тизими-2008 таърифларидан фойдаланилди.

Мазкур услубий низом давлат статистика органлари томонидан номолиявий активларга инвестицияларнинг умумий ҳажмлари бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:

**номолиявий активларга инвестициялар** – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар (капитални шакллантирувчи инвестициялар);

**асосий капиталга инвестициялар** – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради;

**тўғридан тўғри хорижий инвестициялар** – умумий капиталда 10 фоиздан кам бўлмаган улушга эга хорижий инвесторнинг молиявий ва номолиявий қўйилмаларидир;

**ўстириладиган (экиладиган) активлар** – маҳсулот олиш мақсадида кўп мартталик фойдаланиладиган зотдор, маҳсулдор, ишчи қорамаоллар, боғлар ва бошқа экинлар;

**интеллектуал мулкчилик маҳсулотлари** - ўзининг ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчиларига даромад келтирадиган, сотилиши мумкин бўлган тадқиқотлар, ишланмалар, инновациялар натижасидир;

**асосий воситаларни капитал таъмирлашга инвестицияларга** ускуналар, машиналар, транспорт воситаларини (бунда асосан, агрегатни тўлиқ қисмларга ажратиш, эскирган барча қисм ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш, асосий детал ва қисмларни таъмирлаш, агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўриш ишлари), бино ва иншоотларни (эскирган конструкция ва деталларни алмаштириш ёки уларни таъмирланаётган объектнинг фойдаланиш имкониятини оширувчи, янада мустаҳкам ва тежамкорларига алмаштириш) капитал таъмирлашларни ўз ичига олади;

**ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга инвестициялар** – юридик шахслар томонидан ер участкалари, табиатдан фойдаланиш объектларини; шартномалар, ижара шартномалари, лицензияларни (табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини қўшган ҳолда), ишчанлик обрўси ва алоқаларини сотиб олишга харажатлар;

**ишлаб чиқарилмаган активларга мулкчилик ҳуқуқини ўтказиб бериш бўйича харажатлар** – активларни сотиб олиш ва бериб юбориш ёки мулкчилик ҳуқуқининг ўзгариши билан боғлиқ барча харажатлар. Мулкчилик ҳуқуқи ўзгариши билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

- активларни сотиб олган шахс ҳамда уларни сотган шахс томонидан амалга оширилган проффесионал хизматларга ёки комиссия тўловларнинг барчаси; уларга ҳуқуқшунос, архитектор, ер ўлчовчи, инженер ва баҳоловчиларга гонорарлар, шунингдек, аукцион ўтказувчи ва кўчмас мулк агентларига комиссия тўловлар киради;

- сотиб олувчига тақдим этилган, ҳисоб-фактурасида алоҳида кўрсатилган хар қандай савдо ва транспорт харажатлари;

- активни сотиб олган шахснинг активга мулкчилик ҳуқуқини ўтиши билан боғлиқ барча солиқлар;

- олинаётган ёки берилаётган активнинг қийматига киритилмаган етказиб бериш, ўрнатиш ёки бузиш билан боғлиқ хар қандай харажатлар;

- актив мавжуд бўлган даврнинг сўнгида амалга оширилган хар қандай якуний харажатлар, мисол учун, актив жойлашган жойда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ёки иншоотни хавфсизлигини таъминлаш учун харажатлар;

**ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар** – табиий ресурслар, ижара ва лицензия келишувлари, шартномалари, гудвил ва маркетинг активлари.

## **II. Номолиявий активларга инвестициялар ҳажмларининг статистик ҳисоби**

2. Номолиявий активларга инвестициялар ҳажмига иқтисодий фаолиятнинг барча турларидаги юридик шахслар ўзлаштирган инвестициялар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан турар жой ва нотурар жой объектлар қурилишида ўзлаштирилган инвестициялари, йирик шохли қорамол, қўй, эчки, туя, от, чўчка ва кўп йиллик ўсимликларни сотиб олишга харажатлари киради.

3. Номолиявий активларга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини қўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов амалга оширилган пайтдан қатъий назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

4. Номолиявий активларга инвестициялар бўйича статистик маълумот қуйидаги инвестициялар бўйича гуруҳланади:

а) асосий капиталга;

- б) асосий воситаларни капитал таъмирлашга;
- в) ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга.

5. Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

6. Асосий капиталга инвестициялар қўйилмалар турлари бўйича қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) турар жой бинолари қурилиши;

б) нотурар жой бино ва иншоотлар қурилиши;

в) машиналар, транспорт воситалари, ускуналар (монтаж қилиш харажатларини, қуролланиш тизимини қўшган ҳолда), асбоблар, инвентарларни сотиб олиш;

г) қўйилмаларнинг бошқа турлари (ўстириладиган биологик ресурслар сотиб олиниши, ишлаб чиқарилмаган активларга мулкчилик ҳуқуқини ўтказиб бериш бўйича харажатлар, интеллектуал мулк маҳсулотларини қўшган ҳолда).

7. Асосий капиталга инвестициялар технологик таркиби бўйича қуйидаги ишлар ва харажатлар қиймати бўйича ажратилади:

а) қурилиш ишларининг барча турлари ва ускуналарни монтаж қилиш ишларига;

б) қурилиш қийматига киритилган ускуналар (монтаж талаб қиладиган ва қилмайдиган), асбоблар, инвентарлар (қурилиш қийматига кирадиган ва кирмайдиган), қурилиш қийматига кирмайдиган ва қурилишга алоқадор бўлмаган машина ва ускуналар сотиб олишга;

в) бошқа капитал ишлар ва харажатларга.

8. Асосий капиталга инвестициялар асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича қуйидагиларга бўлинади:

а) янги қурилиш;

в) кенгайтириш (йиллик ҳисоботда алоҳида йўналиш), реконструкция, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш;

г) бошқа йўналишлар.

9. Асосий капиталга инвестициялар иқтисодий фаолият турлари бўйича амалдаги фаолият турлари таснифлагичига асосан тақсимланади.

10. Молиялаштириш манбаларига кўра инвестициялар марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларга ажратилади.

Асосий капиталга инвестициялар таркиби 1-иловада келтирилган.

### **III. Номолиявий активларга инвестициялар ҳисобини юритишнинг маълумотлар манбалари**

11. Номолиявий активларга инвестицияларнинг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

а) расмий секторда – иқтисодийнинг барча тармоқларида инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бўйича;

б) уй хўжаликлари фаолияти – яқка тартибдаги уй-жой ва нотураар жой объектлари қурилиши билан шуғулланувчилар фаолияти бўйича, шуниндек маҳсулотларни мунтазам маҳсулот берадиган хайвонларни, дарахтларни, экинларни сотиб олиш харажатлари.

12. Номолиявий активларга инвестициялар бўйича статистик маълумотларни шакллантириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

а) инвестиция фаолиятини олиб боровчи юридик шахсларнинг давлат статистика ҳисоботлари;

б) кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан яқка тартибдаги уй-жой ва нотураар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитасининг (бундан буён матнда Ергеодезкадастр давлат қўмитаси деб юритилади) шаҳар ва туман органларининг давлат статистика ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган яқка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари.

13. Номолиявий активларга инвестициялар бўйича асосий статистик кўрсаткичларни шакллантириш схемаси 2-иловада келтирилган.

#### **IV. Номолиявий активларга инвестицияларнинг умумий ҳажмини шакллантириш**

14. Номолиявий активларга инвестицияларнинг умумий ҳажми тўғрисида йилда бир марта аниқ маълумотлар қуйидаги давлат статистика ҳисоботи ва кузатувлари асосида шакллантирилад:

а) 2-invest shakli “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар, қурилиш хўжалик бошқарув органларини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлардан, нотижорат ташкилотлардан ташқари) тақдим этадилар;

б) 1-KB shakli “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” - барча мулкчилик шаклидаги микрофирма ва кичик корхоналар тақдим этадилар;

в) 1-FX shakli “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” - Фермер хўжаликлари тақдим этадилар;

г) 1-notijorat shakli “Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот”- Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат

муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) тақдим этадилар;

д) 1-*NNT shakli* “Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот”- Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этадилар;

е) 4-*qurilish shakli* “Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот”- Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг шаҳар, туман органлари тақдим этадилар;

ж) 1-*DX shakli* “Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот”- Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари тақдим этадилар;

з) 1-*TJ so'rovnomasi* “Фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойни танлама кузатув сўровномаси”- статистика органлари томонидан ўтказиладиган кузатув;

и) 1-*bozor narxları blankasi* “Дехқон бозорларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”- статистика органлари томонидан ўтказиладиган кузатув.

15. Юридик шахслар инвестицияларининг умумий ҳажми 2-*invest*, 1-*KB*, 1-*FX*, 1-*notijorat* и 1-*NNT* статистика ҳисоботларининг тегишли сатрларида акс эттирилган номолиявий активларга инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси сифатида шакллантирилади:

$$I_{\text{юр}} = I_{2-\text{invest}} + I_{1-\text{KB}} + I_{1-\text{FX}} + I_{1-\text{notijorat}} + I_{1-\text{NNT}}$$

16. Шакллантирилган ҳажмлар қуйидагича гуруҳларга ажратилади.

Худудлар бўйича-инвестиция объекти жойлашган манзил бўйича, Ўзбекистон Республикаси маъмурий худудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (МҲОБТ) мувофик;

Мулкчилик шакллари бўйича - мулкчилик шакллари таснифлагичига (МШТ) мувофик;

Вазирлик ва идоралар бўйича - давлат ва хўжалик бошқаруви ва идораларни белгилаш тизими (ДБИБТ) бўйича;

Иқтисодий фаолият турлари бўйича – инвестиция объектни мўлжалланган вазифаси бўйича иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ, 2-таҳрир) га мувофик.

17. 4- *qurilish* статистика ҳисоботи маълумотлари асосида жисмоний шахслар томонидан нотураржой қурилишига харажатлар  $I_{\text{ЧС}}$  аниқланади. Шуниндек, мазкур шакл маълумотлари асосида жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган якка тартибдаги турар-жойлар умумий майдони аниқланади. Мазкур майдон қийматини аниқлаш учун жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган уйларнинг 1 кв.м майдони қийматига кўпайтирилади. Жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган турар-жойларнинг 1 кв.м майдони қиймати Давлат статистика

қўмитасининг 1-сон қарори билан тасдиқланган (22.06.2016 й. 7-сон ва 26.01.2018й. 2-сон қарор билан ўзгартиришлар киритилган) “Якка тартибдаги уй - жой ва ҳовли худуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий низом” асосида амалга оширилади.

$$I_{ИЖС} = S_{жс} + P_{жс}$$

Бу ерда

$S_{жс}$  – жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган турар-жойларнинг умумий майдони;

$P_{жс}$  – жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган турар-жойларнинг 1 кв.м қиймати.

18. Уй хўжаликларининг: дарахт, қишлоқ хўжалиги экинлари, қорамолларга харажатлари 1-DX статистика ҳисоботи ва бозорлардаги нарх кузатуви 1 - bozor маълумотлари асосида ҳисобланади. 1-DX шакли маълумотлари асосида чиқиб кетганларини ҳисобга олган ҳолда экилган мевазор ва резаворлар, узумзор ҳамда тутзорлар майдони шакллантирилади:

$$S_{экин} = S_{экинжор} - S_{экинўтган}$$

Бу ерда

$S_{экин}$  - янгитдан ташкил этилган мевазор ва резаворлар, узумзор ва тутзорлар майдони;

$S_{экинжор}$  - жорий даврдаги мевазор ва резаворлар, узумзор ва тутзорлар майдони;

$S_{экинўтган}$  - ўтган даврдаги мевазор ва резаворлар, узумзор ва тутзорлар майдони.

Жорий даврда сотиб олинган мевазор ва резавор, узумзор ва тутзор экинлари қиймати, ҳар бир кўчат турининг нархи ҳамда ҳар бир гектарга экилган кўчатлар сонидан келиб чиқиб ҳисобланади:

$$I_{экин} = S_{экин} / K \times P_{экин}$$

$I_{экин}$  – уй хўжаликларининг дарахт, қишлоқ хўжалиги экинлари учун харажатлари;

$S_{экин}$  - янгитдан ташкил этилган мевазор ва резаворлар, узумзор ва тутзорлар майдони;

$K$  – ҳар бир гектарга экилиши тавсия этиладиган кўчатлар сони (Р.Р. Шредер номидаги илмий тадқиқот Маркази тавсияси);

$P_{экин}$  – деҳқон бозорлари кузатуви бўйича бир дона кўчатнинг нархи.

19. 1- DX шакли асосида йирик шохли қорамол, қўй, эчки, от, туя, чўчканинг бош сони аниқланади. Яшаш умрининг муддатидан келиб чиқадиган махсус коэффициент воситасида асосий капитал жамғармаси сифатида ҳисобланадиган жонворлар сони аниқланади. Олинган маълумотлар деҳқон бозорлари кузатуви (1-bozor) натижасида олинган нархларга кўпайтирилган ҳолда уй хўжаликларини жонворлар сотиб олишга жами харажатлари ҳисобланади:

$$I_{жон} = Q_{йишқ} \times K_1 \times P_1 + Q_{қэ} \times K_2 \times P_2 + Q_{от} \times K_3 \times P_3 + Q_{туя} \times K_4 \times P_4 + Q_{чўчка} \times K_5 \times P_5$$

Бу ерда

$I_{жон}$  – уй хўжаликлари жонворларини сотиб олишга харажатлари;

$Q_{йиқ}$  – йирик шохли қорамоллар сони;

$Q_{кэ}$  – қўй ва эчкилар сони;

$Q_{от}$  – отлар сони;

$Q_{туя}$  – туялар сони;

$Q_{чўққа}$  – чўққалар сони;

$K_{1..5}$  – асосий капитал янгиланишини билдирувчи ҳар бир жонворнинг ўртача умридан келиб чиқадиган коэффициент;

$P_{1..5}$  – ҳар бир жонвор тури бўйича нарх.

20. Юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун машина, ускуна, қишлоқ хўжалиги техникаси, транспорт воситаси сотиб олишга харажатлар, юклаб жўнатилган саноат маҳсулотлари, асосий товар гуруҳлари бўйича импорт ҳажми (ташки савдо статистикаси) ва енгил автомобилларни якуний истеъмол учун сотиб олиш бўйича ҳисоб-китоб маълумотлари асосида баҳоланади. Ҳисоб-китоб қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$I_t = V_m + I_m - Inv_m - (V_a + I_a) \times T_u$$

$V_m$  – машина – ускуна, транспорт воситаси юклаб жўнатилди (республика ичида);

$I_m$  – машина – ускуна, транспорт воситаси импорти;

$Inv_m$  – юридик шахслар томонидан машина – ускуна, транспорт воситасига инвестициялар;

$V_a$  – енгил автомобиллар юклаб жўнатилди (республика ичида);

$I_a$  – енгил автомобиллар импорти;

$T_u$  – якуний истеъмол учун сотиб олинган автомобиллар улуши;

21. Яширин ва норасмий секторни ҳисобга олган ҳолда асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажми юқорида ҳисобланган барча ҳажмларни қўшиб чиқиш йўли билан ҳисобланади:

$$I = I_{юр} + I_{ЧС} + I_{ИЖС} + I_{экин} + I_{жон} + I_t$$

## **V. Чораклик номолиявий активларга инвестициялар ҳажмини шакллантириш**

22. Ҳар чоракда номолиявий активларга инвестицияларнинг умумий ҳажми тезкор тартибда йирик корхоналарнинг ҳисобот маълумотлари асосида ва бошқа юридик шахслар (инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари) инвестициялари ҳажмини ҳамда уй хўжаликлари фаолиятини (ҳар бир категория бўйича алоҳида) баҳолаш асосида ҳисобланади.

23. Номолиявий активларга инвестицияларнинг чораклик ҳажмини тезкор баҳолаш инвестицияларнинг алоҳида гуруҳлари ва корхоналар категориялари бўйича амалга оширилади.

24. Ҳисобот давридаги кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар, қуйидаги босқичларда шакллантирилади:

Биринчи босқич – охириги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида кичик корхона ва микрофирмалар учун қуйидаги формула асосида ҳажм шакллантирилади:

$$I_{кб(1)} = I_{кб(np)} / Q_{(n)} \times In_{(Qn)}$$

Бу ерда

$I_{кб(1)}$  – биринчи босқич бўйича ҳажм;

$I_{кб(np)}$  – охириги йиллик ҳисобот маълумоти бўйича ҳажм;

$Q_{(n)}$  - чорак улуши: январь-март учун – 4, январь-июнь – 2, январь-сентябрь – 4/3

$In_{(Qn)}$  - мос давр қимматлашиш индекси.

Иккинчи босқич – кичик корхоналар ва микрофирмалар танланма кузатуви натижасида олинган маълумотлар биринчи босқичда ҳисобланган ҳажмлар билан таққосланади, зарур бўлса ҳажмлар тузатилади.

Учинчи босқич – 1-ID ҳисоботи асосида олинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар иккинчи босқич маълумотлари билан таққосланади, зарур бўлса ҳажмлар тузатилади.

Ҳисоблаш учун шартли намуна 3-иловада келтирилган.

25. Нотижорат ташкилотлар, фермер хўжалиklarининг асосий капиталга инвестициялари, уй хўжалиklари томонидан узлуксиз маҳсулот келтирадиган жонворлар, дарахтлар, қишлоқ хўжалиги экинларига харажатлар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан машина, ускуна, қишлоқ хўжалиги техникаси, транспорт воситаси сотиб олишга харажатларининг чораклик ҳажми, тезкор равишда мазкур услубий Низомнинг 24 бўлимида, биринчи босқичда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ аниқланади.

26. Уй хўжалиklarининг якка тартибда уй-жой қурилиши ва нотурар жой объектлари қурилиши бўйича асосий капиталга инвестицияларининг чораклик ҳажми Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой ва ҳовли ҳудуди хўжалиklари қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий низом”га мувофиқ ҳисобланган фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойлар қиймати тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

Бунда, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ҳисобот даврида фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни баҳоланган ҳажми қийматига тенг равишда қабул қилинади.



27. Ҳар чоракда якка тартибдаги нотурар жой курувчиларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми, жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан тақдим этиладиган статистика ҳисоботларининг фойдаланишга топширилган нотурар жой объектларининг қиймати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланади. Бунда, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ҳисобот даврида фойдаланишга топширилган нотурар жойлар қийматига тенг равишда қабул қилинади.

28. Капитал таъмирлаш, ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга кичик тадбиркорлик субъектлари, нотижорат ташкилотлар, фермер хўжаликларининг инвестициялари ҳажми ҳар чоракда йиллик ҳисоботларнинг тегишли маълумотлари асосида ҳисобланади, бунда ҳисоблаш ушбу Услубий низомнинг 24-бандида келтирилган ҳисоблаш усулига ўхшаб амалга оширилади.

## **VI. Асосий капиталга инвестициялар физик ҳажми индексини ҳисоблаш**

29. Инвестицияларнинг таққослама динамикаси ўзгаришларини, корхона ва ташкилотларнинг инвестиция фаолияти натижаларининг акс этишини таҳлил қилиш учун нисбий кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу кўрсаткич, инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда таққосланаётган даврларда инвестиция ҳажмлари ўзгаришини тавсифловчи асосий капиталга инвестицияларнинг **физик ҳажм индекси** ҳисобланади.

30. Асосий капиталга инвестицияларнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш таққосланаётган даврларда қиёсий нархларга келтирилган инвестиция ҳажмларини таққослаш йўли билан қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$I_{ф.о.} = (V_1 : V_0) : I_{дефл} * 10000,$$

бу ерда

$I_{ф.о.}$  – физик ҳажм индекси, %;

$V_1, V_0$  – тегишли равишда ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даврига амалдаги нархларда инвестицияларнинг ҳажми;

$I_{дефл}$  – индекс-дефлятор, %.

31. Юридик шахсларнинг асосий капиталга инвестицияларига индекс дефлятори қурилиш-монтаж ишлари, машина, ускуна ва бошқа капитал ишлар ҳамда харажатларнинг асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги муайян улушлари бўйича ҳисобланган нарх индексларининг умумлаштирилган кўрсаткичи сифатида ҳисобланади.


32. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси йиғма индекс-дефлятор – юридик ва жисмоний шахсларнинг асосий капиталга инвестициялари ҳажмларининг ўртача умумлаштирилган индексини қўллаш орқали ҳисобланади.

Физик ҳажм индексини ҳисоблаш жадвали 4-иловада кўрсатилган.

**Фойдаланилган маълумотлар манбалари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабридаги ЎРҚ-380-сон “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. “Система национальных счетов 2008//Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация объединенных наций, Всемирный банк// Нью-Йорк 2012.
4. Халқаро инвестиция ҳолати ва тўлоф баланси бўйича йўриқнома, 6 таҳрир(РПБ6)// Халқаро валюта жамғармаси 2012.


**Асосий капиталга инвестициялар таркиблари**



\* Йўналтирилган таркиб йиллик ҳисобот асосида йилига фақат бир марта шакллантирилади.

\*\* Йиллик ҳисоботда алоҳида йўналиш сифатида кўрилади.

**Номолиявий активларга инвестициялар бўйича статистик маълумотларни шакллантириш схемаси**



“Номолиявий активларга инвестициялар умумий  
ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом”га  
3-ИЛОВА

		2018 йил учун ҳисобот маълумотлари бўйича инвестициялар ҳажми	<b>1 босқич</b> Қимматлаштириш ҳисобга олган ҳолда ҳажми дастлабки ҳисоби (қимматлаштириш индекси 1,2 марта)	<b>2 босқич</b> Чораклик кузатувларни (қб кузатув) ҳисобга олган ҳолда тузатишлар	<b>3 босқич</b> 1-ID чораклик ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар (хусусан, тўғридан- тўғри хорижий инвестицияларни)	Баҳоланган ҳажм барча таркиблар бўйича таксимланади
A	1	2	3 (гр2 /4 x 1,2)	4	5	6
<b>Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга</b>	<b>100</b>	<b>10000</b>	<b>3000</b>	<b>3100</b>	<b>3110</b>	<b>3110,0</b>
шу жумладан, технологик тузилиши бўйича:						
қурилиш-монтаж ишлари	55,4	X	X	X	X	1722,9
машина, жиҳозлар, асбоб-ускуналар	33,5	X	X	X	X	1041,9
бошқа харажатлар	11,1	X	X	X	X	345,2
шу жумладан, такрор ишлаб чиқариш бўйича тузилиши:						
янги қурилиш	44,4	X	X	X	X	1380,8
кенгайтириш, реконструкция, модернизациялаш	36,7	X	X	X	X	1141,4
бошқа йўналишлар	18,9	X	X	X	X	587,8

**2019 йилнинг январь-март ҳолатига асосий капиталга инвестицияларнинг  
физик ҳажми индексини ҳисоблаш жадвали**

**Шартли намуна**

Сатр рақам и	Кўрсаткичлар номи	2019 йил ҳисобот даври, жорий нархларда, минг сўм	Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан инвестицияларнинг индекс дефлятори (мартада)	2019 йил ҳисобот даври, ўтган йил нархларида, минг сўм	2018 йил ҳисобот даври, жорий нархларда, минг сўм	Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан инвестицияларнинг физик ҳажми индекси, %
А	Б	1	2	3	4	5
1.	<b>Асосий капиталга инвестициялар жами, сатрлар (2+10)</b>	<b>300774</b>	<b>1,120 (300774 / 268515)</b>	<b>268515</b>	<b>241395</b>	<b>111,2</b>
2.	<b>Расмий сектор, сатрлар (3+5+8+9)</b>	<b>224106</b>	<b>1,126 (224106 / 199028)</b>	<b>199028</b>	<b>182615</b>	<b>109,0</b>
3.	Йирик корхона ва ташкилотлар	108424	1,126	96291	92321	104,3
4.	Кичик бизнес, сатрлар (5+8+10)	184429	1,116 (184429 / 165190)	165190	142716	115,7
5.	Кичик корхона ва микрофирмалар, сатрлар (6+7)	97026	1,126	86169	75790	113,7
6.	Кичик корхоналар	52006	1,126	46187	37951	121,7
7.	Микрофирмалар	45020	1,126	39982	37839	105,7
8.	Фермер хўжаликлари	10735	1,126	9534	8146	115,4
9.	Нотижорат ташкилотлари	7921	1,126	7035	6358	109,1
10.	<b>Уй хўжаликлари, сатрлар (11+12)</b>	<b>76668</b>	<b>1,103 (76668 / 69487)</b>	<b>69487</b>	<b>58780</b>	<b>118,2</b>
11.	якка тартибдаги уй-жой қурилиши	46457	1,065	43622	40278	108,3
12.	жисмоний шахслар томонидан қурилган нотураар жойлар	30211	1,168	25865	18502	139,8
Юридик шахслар учун индекс- дефлятори		1,126				
ЯТУЖҚ бўйича индекс - дефлятори		1,065				
Жисмоний шахслар томонидан қуриладиган нотураар жой объектлари бўйича индекс		1,168				